

НИЗОМИЙ АРУЗИЙ САМАРКАНДИЙ
(XI аср охири - 1160)

Улуг шоир ва адабиётшунос олимнинг исми Ахмад ибн Умар, Низомий - шоирлик тахаллуси, аруз илмининг етук мутахассиси бўлгани учун калам ахли уни Арузий деб атаган. Асли Самарканддан бўлиб, 45 йил Гур ва Бомиён (Афғонистоннинг шимолий гарби) вилоятлари ҳукмдорларининг хизматида бўлган. Гур вилоятининг молики Аловуддин Хусайн Жахонсуд билан кўп харбий сафарларда ҳам катнашган, номи Низомий Ганжавий асарларида тилга олинади.

Низомийга шухрат келтирган асосий асар "Чахор макола" ("Тўрт макола") бўлиб, 1157 йилда Бомиёнда ёзилган. Ушбу асар ўзбек тилига "Нодир хикоятлар" номи билан ўгирилган. Китоб ҳамд, наът, мукаддима қисмларидан ташқари тўрт маколани ўз ичига олгандир:

1. Дабирлик (қотиблик) илмининг моҳияти ва етук дабир сифатлари.
2. Шеър илмининг моҳияти ва шоир салоҳияти.
3. Юлдузлар илмининг моҳияти ва мунажжимлар салоҳияти.
4. Тиб илмининг моҳияти ва табиблар зарурияти.

Низомий талқинича, мамлакат ишларининг мустаҳкамлиги шохга, унинг номини (қасабаси, мулки, вилояти, лашқари, ҳазинаси) қолдириш даврига, унга шухрат бахш этиши шоирга, турмуш тадбирларининг ўнгидан келиши мунажжимга, бадан сихати табибга боғлиқ. Шунингдек, агар илмдан баҳра топмаган, ҳар бир нуқтани ёд олмаган, ҳар ҳақимдан бир ҳикмат эшитмаган ва ҳар адибдан бир санъат ўрганмаган дабирнинг сўзлари аъло даражага етмайди.

Асарнинг ҳозирга қадар сақланган 12 та кўлёзма нусхаси мавжуд бўлиб, шулардан иккитаси XIV асрга оид. Эрон олими Мирзо Муҳаммад Қазвиний асарнинг танкидий матнини 1909 йили нашр эттирган. Жахоннинг кўп тилларига таржима қилинган. Бу китобнинг Шарқ филологияси тараққиёти учун ҳам хизмати улғундир.

«ЧАХОР МАКОЛА» («Нодир хикоятлар»)дан

**Шеър илмининг моҳияти ва
шоирнинг салоҳияти ҳақида**

Шоирлик шундай санъатки, (шоир) бу санъат орқали ҳаяжонлантирувчи тушунчаларни ҳосил қилади ва таъсирчан қиёсларни¹ бир-бирига улайди. У шундай йўл билан, масалан, кичик маънони каттага, катта маънони эса кичикка айлантиради, чиройликни

хунук либосда кўрсатади, хунукни эса чиройли суратда жилвагар этади. Илхом санъати билан газаб ҳамда хиссий кувватларни кўзгатади, натижада кишилар табиатида кайгу ёки хуррамлик пайдо бўлади. Бу эса улуг кишилар фаолиятида оламини тартибга солиб туриш учун хизмат килади.

Шоир ва шеърнинг қандай бўлиши ҳақида фасл

Шоирнинг руҳи тоза, фикри кенг, таъби латиф, кўнгли тўғри ва зехни ўткир бўлмоғи лозим. У яна турли фанлардан хабардор бўлиши, ҳар хил одатлар билан таниш бўлмоғи керак. Чунки шеър ҳар бир илмда кўл келиши ва ҳар хил илм шеърда ифодаланиши мумкин².

Шоир мажлисларда ширинкалом ва дўстлар даврасида очик чехра бўлиши лозим. Шеърлари эса ҳаёт саҳифасида боқий қоладиган, покиза табиатли кишилар тилидан тушмайдиган, баёзларга ёзиб олинмайдиган ва шаҳарларда ўқиладиган даражага етган бўлиши керак. Шеърдан кўзланиладиган катта мақсад ва улкан ният бу номни боқийлаштиришдир. Шеър ўқилмас ва кўчирилмас, бу мақсад ҳосил бўлмайди. Бу даражага етмаган шеърнинг таъсир куввати бўлмайди. Агар шеър ўз боқийлигига эга бўлмас, у қандай қилиб ўзга кишиларнинг номини адабийлаштириши мумкин!

Агар шоир ёшлик айёмида ва йигитлик даврида ўтмиш шоирларининг шеърларидан йигирма минг байтни хотирасида тутмаса, замондошларининг асарларидан ўн минг байтни ёд билмас, устодлар девонини пайваста ўқимаса, сўзнинг нозик томонлари ва қийин жойларини қандай йўл билан ҳал этганликларини ўрганмаса бундай юксак даражага етолмайди ҳамда шеър навлари³ ва йўллари унинг табиатида ўз ифодасини топмайди, шеърнинг соз ёки нуксонли томонлари аклининг саҳифасида ўз аксини кўрсатмайди, сўзлари буюклик томон, таъби эса юксаклик сари майл этмайди. Ҳар кимнинг шеър таъби мустаҳкам, сўзлари эса раван бўлса, шеър илмини ўрганишга, аруз ўқишга киришади. Устод Абулҳасан Сарахсий Баҳромийнинг "Гояту-л-арузайн" асарини ҳамда "Канзу-л-кофия", "Нақди маоний", "Нақди алфоз", "Сарикот" ва "Тарожим" китобларини⁴ мутолаа қилади. У мазкур фаннинг ҳар бир турларини шу фанни яхши билувчи устод кўлида ўзи устодлик даражасига етмагунча, юқорида биз санаб ўтган устодлар қаби унинг номи ҳам ҳаёт саҳифасида пайдо бўлмагунча таълим олади. У ўз хомийси ва мамдуҳидан⁵ нимани олган бўлса, уларнинг номини адабийлаштириш билан ҳақини узади. Подшо ҳам шоирлар унинг хизматида рўёбга чиқиши ва ўзи шоирнинг мактовидан шухрат топиши учун улар тарбиясидан кўл тортмаслиги лозим. Агар шоир бу даражадан кам бўлса, унинг учун пул сарфлашга ва шеърларига илтифот қилишга ҳам арзимайди, хусусан, агар у кекса бўлса! Мен бунга кўп текшириб кўрганман, бу оламда қари шоирдан кўра бадтаррогини кўрмаганман, унга берилган пулдан кўра зое кетган пул бўлмайди. Эллик йил ичида ҳам мен айтган гапларнинг ростлигини билиб, шу даражага етолмаган нўнок киши қайси пайтда ета олади?!

Шоир ёш бўлса-ю, шеърлари яхши бўлмас, аммо қобилиятли бўлса, унинг яхши шоир

бўлишига умид килса бўлади. Олийжаноблик коидаси бўйича, бундай шоирнинг тарбиясига киришиш вожиб, у ҳақда кайгуриш фарз, меҳрибонлик кўрсатиш шартдир! Подшоҳнинг олдида бадиха айтишдан кўра яхшироқ нарса йўк! Бадиха билан подшоҳнинг кўнгли шод бўлади, мажлислари кизийди, шоир эса мақсадига етади. Бадиха айтиш ва тез шеър тўкиш билан сомонийлар сулоласи даврида Рудакий эришган бахтгаб хали ҳеч ким эришган эмас!